O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 24 IYUL ◆ SESHANBA ◆ № 85 (26.787)

МУВАФФАҚИЯТЛАР ЭЪТИРОФИ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси наинки Осиё, Европа, балки Америкада ҳам халқаро эътироф этилган нуфузли ташкилотга айланган. Жаҳоннинг энг олис 25 йўналиши бўйича доимий парвозлар бунинг ёрқин далолатидир. Дарҳақиқат, турли мамлакатлар авиация хизмати маъмурларининг ўзбек миллий авиакомпаниясининг жаҳон авиаташувлар бозоридаги мустаҳкамланаётган мавқеи билан ҳисоблашишга тўғри келаяпти. Бу бежиз эмас. Зеро, ўтган ўн йил мобайнида мамлакатимиз раҳбариятининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлови ва мададида авиакомпаниямиз оёққа турди, унинг парки замонавий самолётлар билан тўлдирилди. Энг муҳими, ўзбек авиаторларининг салоҳияти ва маҳорати туфайли йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида ва халқаро талаблар доирасида хизмат кўрсатишга эришилди. Айнан пухта ва муваффақиятли ишлари учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси АҚШга, Нью-Йоркдаги халқаро анжуманга таклиф этилди. Гап шундаки, бу ерда бизнеснинг турли соҳасида катта ютуққа эришган нуфузли компаниялар вакилларининг учрашуви бўлиб ўтади. Нью-Йоркдаги навбатдаги 15-анжуманда ҳам турли мамлакатлардан 50 дан ортиқ вакиллар иштирок этишди. Улар махсус мукофот — 2001 йил учун «Олтин юлдуз» билан тақдирландилар. Шуниси қувончлики, бундай юксак мукофотга сазовор бўлганлар орасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» ҳам бор эди. Дарвоқе, халқаро мукофот совриндорлари нуфузли Би-Ай-Ди компаниясининг жаҳоннинг турли мамлакатларидаги вакиллари томонидан компьютер орқали яширин тарзда овоз бериш орқали аниқланган. Бу ўзбек учувчиларининг жаҳон авиаташувлар бозоридаги муваффақиятларининг яна бир эътирофидир. Яна бир қувончли хабар — шу кунларда мамлакатимизга ташриф буюрган Канада авиация хизмати маъмурлари делегацияси ҳам Ўзбекистон фуқаро авиацияси фаолиятига юксак баҳо берди. У бир неча кун мобайнида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси иши билан яқиндан танишди. Делегация раҳбари Роберт Никольсон Ўзбекистон фуқаро авиацияси жуда ривожланганлигидан ҳайратга тушганлигини таъкидлаган. Бу Ўзбекистон ва Канада ўртасида авиация соҳасидаги ҳамкорликни ўрнатиш учун кенг истиқбол очади, Канадага парвоз этиш учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га сертификат беришга имкон беради. Хуллас, ўзбек учувчиларининг Канадага парвоз этишлари ҳам ажаб эмас.

■ **Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТАЛАБАЛАРИМИЗ

ХАЛҚАРО ОЛИМПИАДАДА

Лондонда бутунжаҳон талабалар ҳаракатининг «SIFE» — «Талабалар эркин тадбиркорликда» халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда йигирмадан ортиқ давлатнинг олий билим юртлари миллий командалари, жумладан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг командаси ҳам қатнашдилар. Республикамиз олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган миллий олимпиадада ғолиб бўлган ушбу команда, халқаро экспертлар ва дунёнинг етакчи компаниялари раҳбарларидан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг юқори баҳосига сазовор бўлди.

1975 йилда АҚШда ташкил этилган «SIFE» бутунжаҳон ҳаракати нотижорат ташкилоти бўлиб, асосий мақсади талабалар ўз давлатларининг иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ривожланишида фаол иштирок этишларини рағбатлантиришга қаратилган.

Ушбу ҳаракат фаолиятининг муҳим йўналишлари бозор иқтисодиёти ва эркин тадбиркорлик асосларини тарғиб қилиш, қўшма лойиҳаларни амалга оширишда таълим ва бизнес ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашишдан иборат.

Бугунги кунда «SIFE» талабалар ҳаракати йигирма давлатда мингдан ортиқ университетларни бирлаштиради. Ўзбекистоннинг олий ўқув юртлари ўтган йили бу ташкилотнинг аъзоси бўлди.

Мусобақа шартларига кўра ўзбек талабалари Ўзбекистонда турли ташкилот ва корхоналар билан ҳамкорликда амалга оширган таълим, ижтимоий ва бизнес соҳасидаги лойиҳаларини тақдим этдилар. Республикамизда мустақиллик йиллари давомида эришилган ютуқлар намойиши ҳам уларнинг чиқишларидан жой олди.

■ **«Жаҳон» АА**

СИРЛАШУВ

■ **Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат**

МЕНИНГ 10 ЙИЛЛИГИМ

ХУСУСИЙ МУЛК ҲАМ ОЗОД БЎЛДИ

Соҳибжон ҲОТАМОВ, Адлия вазирлиги кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бўлим бошлиғи:

«Ишласанг тишлайсан», деган мақол бор эди шўро замонида. Компартия ҳам «Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат» дея халқни янада кўпроқ меҳнат қилишга ундарди. Лекин томорқасигача чигит экиб, миллион тонна пахта терган ўзбекнинг кўрпасига пахта топилмасди. Уззу-кун даладан бери келмайдиган деҳқоннинг болалари негадир ҳар куни фақат макарон ер эди. Ишласанг ҳам тишламасдинг, комфирқа айтган роҳатдан эса 70 йилдаям дарак бўлмади. Хусусий мулкнинг ёви бўлган шўро сиёсати 70 йил давомида ҳаммани йўқсилга айлантирди. Тураржой майдонинг 60 кв. м. дан ортиқ бўлса, 90 кв. м. гача бўлган майдон учун ижроқўмдан рухсат олиш шарт қилиб қўйилди. Фуқаронинг иккита уйи бўлиши мумкин эмас эди. Деҳқонларимизга ер бериш қаёқда дейсиз. Негаки ер давлатники, деб уни ҳақиқий эгаси бўлмиш деҳқонга бериш таъқиқлаб қўйилганди. Машина олиб қолсангиз (бунинг деярли имкони йўқ эди) дарров қайси маблағингга олдинг, бунча пулни қаердан топдинг, деган сўроқ-жавоб бошланиб қоларди. Халқимиз шўро замонида ана шундай иқтисодий кишан остида сақланиб келинди. Бу эса инсонларнинг, умуман, инсониятнинг табиий истакларига қаратилган хуруж эди.

Мустақилликнинг энг катта неъматларидан бири, менинг назаримда, хусусий мулкка бўлган шўро занжирини парчалаб, инсонларнинг фаровонликка, бойишга бўлган табиий интилишларини эркинликка олиб чиқиши бўлди. Бугунги кунда 190 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият юргизаётганлиги буни исботлаб турибди. Қаранг, ҳозир фермерлар фалон гектар ерларга, ўнлаб молу қўйларга эга. Тадбиркорнику қўяверинг, деярли ҳар бир хонадонда машина бор. Ҳар бир ишлаётган, ҳаракат қилаётган одамга бугун миллион-миллион сўмлаб маблағ тегаяпти, ишлаган тишлаяпти. Меҳнат қилаётган одам бугун роҳатини кўрмоқда. Бир сўз билан айтганда, хусусий мулкчиликка кенг йўл очилиши иқтисоддаги демократия бўлди.

Ўтган 10 йил ичида тадбиркорликка, хусусий мулкка кенг йўл очилиши билан бирга уларни ҳимоя қиладиган ҳуқуқий база ҳам яратилди. 1992 йил Конституцион суд томонидан хусусий мулкка тўсиқ бўладиган ва тадбиркорликнинг йўлига ғов бўлувчи моддалар қонунлардан олиб ташланди. Конституциямизнинг 53-моддасида хусусий мулк дахлсиздир, у давлат томонидан ҳимоя қилинади, деб эътироф этилди ва хусусий мулк эркинликка олиб чиқилди. Тадбиркорликка оид алоҳида қонунлар ва хусусий мулкни ҳимоя қиладиган бандлар, моддалар жуда кўп қонунларимизда, кодексларимизда ўз аксини топди. Бундан ташқари Президентимиз 1994 йил январь ойида «Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекдилар. Бу хусусий мулк ҳимоясининг давлат томонидан яна бир кафолати бўлди. 1995 йилдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармон бевосита тадбиркорликни ҳимоя қилиш масалаларига қаратилиб, тадбиркорликка оид ҳужжатларни назорат қилиш Адлия вазирлигига юклатилди. Кейинчалик Вазирлар Маҳкамасининг 152-қарори бўйича Адлия вазирлигида тадбиркорликка оид ҳужжатларни назорат қилувчи алоҳида бўлим ташкил қилинди. 2000 йил 17 февралдаги Вазирлар Маҳкамасининг 57-қарорига асосан Адлия вазирлигида кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси тузилди, вилоятларда бўлимлар ташкил этилди. Шундай қилиб хусусий мулкка кенг йўл очилиши билан бирга уни ҳимоя қиладиган ҳуқуқий тизимнинг яратилиши одамларнинг яхши яшашига ҳамда бойишига кафолат бўлаяпти. Зеро, Адлия вазирлигида тадбиркорликни ҳимоя қилувчи алоҳида бошқарманинг тузилиши ҳукуматимизнинг хусусий мулкка бўлган яққол муносабатидир. Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган йиғилишидаги Юртбошимизнинг нутқлари ҳам асосан тадбиркорлик масалаларига бағишланди, десак хато қилмаймиз. Мен истиқлолнинг сиёсий, маънавий эркинликларидан ташқари хусусий мулкни ҳам эркинликка олиб чиқишини буюк ҳодиса, энг улуғ озодлик, деб биламан. Бугун излаган имкон топаяпти, меҳнат қилган бой бўлаяпти — шунинг ўзи энг улуғ неъмат эмасми?!

Хизмат сафарлари билан турли вилоятлардаги кўплаб қишлоқларда бўламиз. Бир пайтлар декабрь ойида ҳам ҳатто қорнинг тагида қолиб кетган бир тола пахтани-да териб давлатга топширишга мажбур бўлган бўлсалар, бугун деҳқонлар шартномадан ортиғини ўзларида олиб қолишаяпти, ўз маҳсулотларига ўзлари хўжайинлик қилаяптилар. Кеча уйингда нима бор, деб райиспалком хоҳлаган одамнинг уйида тинтув ўтказган бўлса, бугун тўланмаган ғалланинг пули учун раҳбарлар судда мулзам бўлиб ўтирибди. Керак бўлса бой берилган фойдани ўз чўнтагидан тўлаяпти. Кеча фалончи раҳбар мана бу нарсани қандай, қайси пулингга олдинг деб дўқ урган бўлса, бугун масалан, биз нима тўсиқлар бор, деб тадбиркорлардан ҳолаҳвол сўраяпмиз — ҳукуматимиз шуни талаб қилаяпти. Бу фуқароларнинг фаровонликка бўлган интилишининг озодликка олиб чиқилиши эмасми?!

Тўғри, Истиқлолни қандайдир моддий манфаат бергани учунгина шарафлаш ярамайди. Лекин ҳатто иқтисодий томонданда ҳеч бир фуқаро манфаатсиз қолмаганлигини таъкидламаслик ҳам, яъни шукрона айтмаслик ҳам айбдир.

ХДП ХАБАРИ

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши мустақилликнинг 10 йиллигига бағишлаб ўтказаётган республика семинарларининг навбатдагиси 21 июль куни Гулистон шаҳрида бўлиб ўтди. Унга йиғилганлар — партиянинг Сирдарё вилоят кенгаши ижроия бюроси аъзолари, унинг шаҳар ва туман кенгашлари ва йирик бошланғич ташкилотлари котиблари, Олий Мажлис ва халқ депутатлари Кенгашларига ХДПдан сайланган депутатлар, партия кенгашлари аппаратлари масъул ходимлари ҳамда журналистлар диққатига мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари тўғрисидаги масала ҳавола этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов семинарда маъруза қилди. Вилоят партия кенгаши биринчи котиби Д.Қулматов унда партия ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП III қурултойи қарорларини бажариш ва Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш борасида амалга ошираётган ишлари хусусида ахборот берди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходими С. Усмонов йиғилганлар эътиборини ечимини кутаётган ички партиявий масалаларга тортди.

Семинарда Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари К. Оқбўтаев сўзга чиқди, Ўзбекистон ХДП МК котиби А. Рустамов анжуман ишида иштирок этди.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 24 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */*

1	Австралия доллари	201,72	10	Люксембург франки	85,86
1	Австрия шиллинги	25,17	1	Малайзия ринггити	104,70
1	Англия фунт стерлинги	566,51	1	Германия маркаси	177,09
10	Бельгия франки	85,86	1	Польша злотийси	94,49
1	Голландия гульдени	157,17	1	СДР	501,38
10	Греция драхмаси	10,17	1000	Туркия лираси	0,30
1	Дания кронаси	46,54	1	Финляндия маркаси	58,25
1	БАА дирхами	108,31	1	Франция франки	52,80
1	АҚШ доллари	397,80	1	Швейцария франки	230,20
1	Миср фунти	100,96	1	ЕВРО	346,36
10	Испания песети	20,82	10	Жанубий Корея вони	3,05
100	Италия лираси	17,89	10	Япония иенаси	32,24
1	Канада доллари	257,48	1	Россия рубли	13,59
1	Хитой юани	48,06	1	Украина гривнаси	74,08

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ТОМЧИ СУВНИНГ ҚАДРИ ТОҒДЕК»

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида газетанинг шу йил 24 май сонида чоп этилган «Томчи сувнинг қадри тоғдек» сарлавҳали мақола ўқиб чиқилиб, унда келтирилган фактлар атрофлича муҳокама этилди.

Қорақалпоқ халқи икки йилдан бери сув танқислигини бошидан кечираётганлиги, бу муаммони бироз бўлса-да енгиллаштириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар нечоғли амалга оширилаётганлиги очиқ-ойдин ёзилганлиги учун вазирлигимиз номидан таҳририятга катта раҳматлар айтамиз. Кўпнинг тилаги кўл, деганларидек яқинда дарёмизга оз бўлса-да сув келтирилди. Бу сув республика, туман хўжаликларига режа асосида етказилиб, биринчи навбатда аҳолига ичимлик суви ва томорқа учун берилаяпти.

Республикамиз деҳқонлари «Томчи сувнинг қадри тоғдек» деган нақлга амал қилиб, оқилона, бир томчисини ҳам исроф қилмасдан фойдаланишяпти.

■ **Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ж. КАЙПОВ**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

БОНН АНЖУМАНИ

ЁКИ ЎЗ ЖАВОБИНИ ТОПМАГАН МАСАЛАЛАР

Иқлим ўзгаришига қарши кураш масаласига бағишланган Бонн анжумани ўз ниҳоясини топмоқда. 180 мамлакатдан ташриф буюрган делегатлар кўрилаётган масалалар юзасидан бир қанча лойиҳалар қабул қилди.

Аммо энг асосий масала — Киото протоколи бўйича узоқ баҳсларга қарамай, аниқ бир тўхтамга келинмади. Протоколнинг бажарилишини кузатиб бориш тартиби, қонунни бузган давлатларга қандай жазо чораларини қўллаш каби саволлар очиқ қолмоқда. Япония, Канада ҳамда Австралиядан келган делегатлар ҳамма масалалар ўз ечимини топмасдан анжуманни якунлашга қарши чиқмоқда.

ШАХТАДА ПОРТЛАШ

Хитойнинг Сюйчжоу шаҳри яқинидаги шахтада юз берган портлаш натижасида юзлаб кўмир қазувчилар қурбон бўлди.

Ҳалокат пайти шахтёрларнинг атиги ўн уч нафари юқорига чиқишга муваффақ бўлган.

Саккиз давлат раҳбарлари музокарада



Тартибсизликлар қурбонсиз бўлмади

Генуяда «Катта саккизлик» давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Саммит сўнггида АҚШ ҳамда Россия президентлари учрашиб, икки томонлама ядро заҳираларини қисқартириш бўйича суҳбатлашишди. Президентлар бу масалага яна қайтади.

Танаффус...

Барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан намойишчилар содир этган тартибсизликлар қурбонлар бўлишига олиб келди. Тахминий хабарларга асосан 200 га яқин киши тан жароҳати олган. Уларнинг 50 нафардан ортиғини полициячилар ташкил этади. Намойишчилар Саммитда қашшоқ мамлакатлар қарзидан воз кечиш масаласини кўриб чиқишни талаб қилишган эди.

55 ЙИЛДА БИРИНЧИ МАРТА

Иқлим ўзгаришининг оқибати — талафотли офатлардан яна бири Ҳиндистонда рўй берди. Орисса вилоятида бир ҳафтадирки, кучли сув тошқини давом этмоқда.

Метеорологларнинг таъкидлашича, Ҳиндистонда бундай жала охирги 55 йил мобайнида биринчи марта содир бўлмоқда. Талафотларнинг чегараси йўқ: 58 киши қурбон бўлган, 7.5 миллион аҳоли бошпанасиз қолган, 11 мингдан ортиқ қишлоқ харобага айланган, бир миллионга яқин аҳоли эвакуация қилинган. Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, зарар миқдори 600 миллион рупий (12.7 миллион АҚШ доллар)ни ташкил этади. Ёрдамга жалб қилинган ҳарбийлар туну кун тер тўкишмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ВА ПАРЛАМЕНТ

Индонезияда собиқ президент Абдурахмон Вохид ва парламент ўртасидаги муносабатлар тобора кескинлашиб бормоқда.

Собиқ президент кетма-кет кескин қарорлар чиқармоқда. Олти вазир вазифасидан озод этилди. Шаҳарда комендантлик соати жорий қилинган. Гарчи А.Воҳид парламент (Халқ маслаҳатчилар Конгресси)ни тарқатиб юборган бўлса-да, ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Internet хабарлари асосида Бахтиёр ҲАМИДОВ тайёрлади

ХДП ХАБАРЛАРИ

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Мустақиллик ҳамда ЎзХДП ташкил топганлигининг 10 йиллиги, шунингдек Оналар ва болалар йилига бағишланган маданий-маърифий тадбир кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Хоразм вилоят туғуруқхонасида ўтказилган бу тадбирда партия вилоят Кенгаши биринчи котиби Ғайрат Машариповнинг «Мустақиллик йилларида вилоятда бўлган ижобий ўзгаришлар ва унда бошланғич партия ташкилотларининг роли», Урганч шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, ҳоким муовини М. Полвнованинг «Миллат келажаги — онадан бошланади» маърузалари қизиқарли бўлди. Мазкур туғуруқхонада 250 нафар киши меҳнат қилади. Йиғилишда жамоанинг фаол аъзоларидан 32 нафарига ЎзХДП аъзоси билетлари топширилди.

■ (Ўз мухбиримиз)

АЁЛ ҚАДРИ

Оналар ва болалар йили муносабати билан Хатирчи тумани марказида «Экосан» халқаро жамғармаси, Навоий вилоят ва Хатирчи туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида ёш оналарнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеини кўтариш, ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, борасида «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида «Ёш оналар» кўрик-танлови ўтказилди. Унда ёш оналар иштирок этишди. Уни ўтказишдан мақсад оилада она соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилишига эътиборни кучайтириш,- баркамол авлодни камол топтириш, экология маданиятини ривожлантиришдир.

Кўрик-танлов қизғин баҳслар остида ўтди ва ғолиблар аниқланди. Биринчи ўрин Собир Раҳимов маҳалласида яшовчи боғча тарбиячиси Лола Содиқовага, иккинчи ўрин «Тарахун» маҳалласида яшовчи уй бекаси Шоҳида Акбаровага насиб этди. Ғолиблар вилоят ва туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари билан мукофотланди.

Кўрик-танловнинг муваффақиятли ўтишига муносиб ҳисса қўшган Хатирчи туман маданият саройининг ёш хонанда ва раққосалари ижросидаги «Аёл қадри ва истедоди» деб номланган концерт дастури томошабинлар қалбига муҳрланиб қолди.

■ Ўткир ПЎЛАТ

Челак туманидаги «Табассум» фермер хўжалиги юрт фаровонлигига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган жамоалардан бири ҳисобланади. Хўжаликнинг ташкил этилганлигига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да, Санобар Ҳайитова бошлиқ жамоа бир қанча ишларни амалга оширди. Жумладан, унинг ташаббуси билан жамоа хўжалигида боқувчисини йўқотган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишдек хайрли ишлар йўлга қўйилди.

Суратда:
фермер хўжалиги бошлиғи Санобар Ҳайитова ёшларга ўз насиҳатларини бермоқда.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТГА БАҒИШЛАНДИ

Болалар таълимига кўпроқ эътибор қаратиш ва Ҳадиси шарифда келтирилгандай ҳар бир мўмина учун илм олиш фарз. Агар ислом илмини чуқурроқ эгалласак, турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмасдик.

Шайхонтоҳур туман партия кенгаши, «Зангиота» маҳалласи бошланғич партия ташкилоти ва туман хотин-қизлари қўмитаси ташкилотчилигида ўтказилган «Аёлларнинг ҳуқуқий савиясини ошириш» мавзуидаги давра суҳбатида ана шундай сўзлар янгради.

Давра суҳбатида Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши биринчи котиби, шаҳар кенгаши депутати Х. Бобохонов, туман хотин-қизлар кенгашининг бош мутахассиси З. Файзиева ҳамда туман «Маънавият ва маърифат» маркази бўлими бошлиғи С. Ҳамидовалар иштирок этдилар.

Иштирокчилар томонидан берилган турли саволларга 1-сонли шаҳар нотариал идораси бошлиғи томонидан жавоблар берилди.

■ **Бозорбой ҒОЙИБОВ,**
ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши котиби

ЖАВОБГАР ТОМОН — БАНК

Тижорат банклари аҳолига хизмат кўрсатишда қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймоқдалар

Шу йилнинг 6 ойлик ҳолатига кўра Халқ банки 5, комплексга кирмаган тижорат банклари 11, Марказий банк 1, «Ўзтадбиркорбанк» 7, Саноатқурилиш банки ва «Савдогарбанк» 1 ҳолатда судда жавобгар сифатида қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тижорат банклари фаолиятини яхшилаш, хусусан, мижозлар билан ишлашни бугунги кун талаблари даражасига кўтаришда муҳим ҳужжат бўлиши шубҳасиздир.

Қарорда жумладан шундай таъкидланади: «...тижорат банклари томонидан... мижозларнинг ҳисоб рақамларига маблағларни ўтказиш ва кўчириш бўйича тўлов талабномалари ва топшириқномаларини ўз вақтида бажармаслик ҳоллари аниқланди».

Дарҳақиқат, тижорат банклари нафақат бундай камчиликларга, балки мижозлар билан тузилган шартномаларнинг шартларида кўрсатилган бошқа қоидалар бузилишига ҳам йўл қўймоқдалар. Тўғри, республика хўжалик судларида банклар иштирокида кўрилаётган аксарият ишларда улар даъвогар сифатида иштирок этаяптилар. Бироқ, малакали ҳуқуқшунос ва бошқа мутахассисларга эга бўлган тижорат банкларининг судларда жавобгар сифатида ҳам қатнашишлари табиий ҳолга айланмоқда. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Банклар даъвогар сифатида иштирок этаётган ишларнинг аксарияти берилган кредитлар, уларга ҳисобланган фоизларнинг ўз вақтида қайтарилмаганлигидан келиб чиққан низолардир. Бу ўринда маълум маънода кредит берган банкнинг ўзи ҳам айбдор. Чунки пул бераётганда олувчининг имкониятлари, пулни қайтариш кафолати воситалари ҳисобга олиниши зарур эди...

1999 йилда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари хўжалик судларида ҳал этилган низоларда 103 маротаба жавобгар сифатида қатнашганлар ва улар ҳисобидан даъвогарлар фойдасига 261,6 млн. сўм ундирилган. 2000 йилда эса банклар 89 марта жавобгар бўлиб, улардан даъвогарларга 241,5 млн. сўм ундирилган.

Банкларнинг мижозлари банк хизматини кўрсатишга оид шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлик учун тегишли жарима ёки пеняларни ундириб беришни сўраб, судларга даъво аризалари тақдим этганлар.

Хўжалик судларида кўрилаётган низоларда «Савдогарбанк», «Ўзтадбиркорбанк», «Ўзуйжойжамғармабанк», «Ғаллабанк» ва Халқ банки бўлим ҳамда филиаллари иштирок этаяптилар.

«Савдогарбанк»нинг 2000 йилдаги бу борадаги «кўрсаткичлари» қуйидагича: банк хўжалик судларига 27 та даъво аризалари киритган ва уларга биноан қарздорлардан 94,5 млн. сўм ундириб олган. Мижозлар ҳисобига эса хўжалик судлари ушбу банкдан 11 та даъво аризаси бўйича 31,5 млн. сўм ундириб берган.

«Ўзтадбиркорбанк» ҳисобидан 2000 йилда мижозлар фойдасига 12 та даъво аризасига биноан 40,8 млн. сўм маблағ ундирилди.

Аксарият ҳолларда банклар томонидан операцияларни амалга ошириш жараёнида мижозлар билан тузилган шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида ёхуд банкнинг амалдаги қоида ва йўриқномаларидаги шартларнинг бажарилмаслиги оқибатида низолар келиб чиқмоқда. Айниқса, мижоз пулини тўлов ҳужжатларида кўрсатиладиган ташкилотларга ўтказиб бермаслик ҳоллари кўплаб учрайди.

Бундан ташқари, банклар томонидан мижозларга кредит бериш қоидаларининг кўпол равишда бузилиши ҳоллари ҳам мавжуд. Масалан, даъвогар «Юлдуз» оилавий хусусий корхонаси Қашқадарё вилояти хўжалик судига мурожаат этиб, жавобгар «Ўктамбанк»дан «Махтумқули» хусусий фирмаси оладиган кредитнинг фоизлари билан қайтарилиши тўғрисидаги кафолат хатини ҳақиқий эмас деб топишни, «Ўктамбанк»дан 2.000.000 сўмни ундиришни сўраган. Судлов ҳайъати ушбу ишни кўриш жараёнида «Юлдуз» корхонаси берган кафолат хатини асосли деб топган бўлса-да, банк томонидан ҳам амалдаги қонунчилик талаблари бузилганлигини аниқлади. Томонлар ўртасида кафиллик шартномаси тузилиши лозим бўлса ҳам қонуннинг бундай талабига риоя этиш банк томонидан текширилмаган, кафиллик шартномасини тузиш чоралари кўрилмаган ва ҳоказо. Хўжалик суди бу иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Қашқадарё вилояти прокуратурасига хусусий ажрим юборган. Марказий Банкдан олинган жавобдан маълум бўлишича, «Ўктамбанк» бошқарувчиси лавозимидан озод этилган, бош иқтисодчига ҳайфсан эълон қилинган...

Ихтисослаштирилган «Замин» банки «Назм» хусусий фирмасига 1997 йил 3 апрелдаги шартномага асосан 9,5 млн. сўм кредит ажратганини, белгиланган муддатларда кредит ва фоизлар қайтарилмаётганини маълум қилиб, хўжалик судига ушбу қарз ва фоизларни ундиришни сўраб, мурожаат қилади. Ишни кўриш жараёнида хусусий фирма вакиллари 9,5 млн. сўмлик шартномани эмас, балки 20 млн. сўм кредит бериш тўғрисидаги шартномани тақдим этдилар ва ҳали кредитни қайтариш вақти келмаганлигини айтдилар. 9,5 млн. сўм ажратиш ҳақидаги шартномадан хабарлари ҳам йўқлигини билдирдилар... Энди бу ёғини ўзингиз тушуниб олаверинг. Албатта, ишни атрофлича ўрганиб чиққан хўжалик суди банкнинг даъвосини асосли равишда рад этди.

Хуллас, мавжуд қонунчилик талабларининг бузилаётганлигига оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва бундай хатолар хўжалик судлови жараёнида кўплаб аниқланмоқда. Ўйлаймизки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида тилга олинган қарори бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Зеро, қарорда тижорат банклари ва уларнинг раҳбарларига ўзгача бир талаблар қўйилган, қонунбузулиши учун жавобгарлик бир қадар қаттиқ бўлиши уқтирилган.

Шуни қайд этиш керакки, банк мижозлари томонидан хўжалик судларига даъво аризалари киритилган тақдирда, уларни давлат божисиз қабул қилиш тартиб-қоидалари ҳақида Олий хўжалик суди томонидан барча хўжалик судларига ахборот хати (тавсиялар) берилди.

■ **Камол УБАЙДУЛЛАЕВ,**
Олий хўжалик суди судлов таркиби раиси,
Рўзибой САИДОВ,
Матбуот маркази раҳбари

ЗАМИН ВА ЗАМОН

ЕР ПОСБОНИ — УЧ ЁШДА

Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44 млн. 787,7 минг гектарни ташкил қилади. Шундан қишлоқ хўжалигида фойдаланиладигани 28 млн. гектардан ошиқроқ. Бир қарашда, бу ер майдони кўпга ўхшайди. Бироқ қишлоқ хўжалигида сурункасига, интенсив равишда ишлатиладиган суғорма ерларнинг ҳажми унча катта эмас: 4,2 млн. гектардан ортиқроқ. Бу суғориладиган умумий ерларнинг фақат 9 фоизинигина ташкил қилади.

XX асрнинг 60 йилларидан эса ерга бўлган муносабат ўзгарди. Асосий эътибор, қандай қилиб бўлса-да, ердан кўп ҳосил олишга қаратилди. Натижада ернинг мелиоратив ҳолати бузилиб, шўрланиш даражаси йил сайин ошиб борди. Кейинги 20 йил давомида шўрланган ерлар миқдори 850 минг гектарга кўпайди.

Республикамизда ер шўрланишини келтириб чиқараётган яна бир сабаб минераллашган грунт сувларининг ер юзасига яқинлигидир. Суғоришда сувни меъёридан кўп ишлатиш грунт сувлари сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда айрим ҳудудларда, ерга ишлов беришда фақат резина ғилдиракли тракторлардан фойдаланилмоқда. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳолат тупроқ микроструктурасининг ўзгаришига олиб келмоқда. Ҳайдов ости қатламида кескин зичлашув ҳолати юз бермоқда. Бу тупроқ унумдорлигини таъминлайдиган асосий воситалардан бири бўлган сув ва ҳаво режими уйғунлигининг бузилишига замин ҳозирлайди.

Тупроқ унумдорлигини белгиловчи моддалардан бири гумуснинг миқдоридир. Бунда гумуснинг тупроқ таркибидаги умумий заҳираси эмас, балки унинг таркибий қисми ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, сув танқислигига қарамасдан, суғориладиган жуда кўп жойларда сув миқдори ортиқча сарфланади. Масалан, ғўза қаторларига бир неча кун давомида сув қуйилади, суғориш орасидаги давр эса узайтирилади. Бундай ҳолатда, биринчидан, тупроқдаги фойдали гумус ва озуқа элементлари ювилиб кетса, иккинчидан, суғориш оралиғининг узайтирилиши натижасида ўсимликка намлик етишмайди. Шунинг учун ҳар бир минтақадаги суғориш меъёрлари, даврлари ўша жой хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланмоғи лозим.

Хўш, республикамиз тупроқларини, айниқса суғориладиган ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланиладиган ерларнинг унумдорлик ҳолатини яхшилаш, унинг самарадорлигини оширишга раҳбарлик қиладиган давлат ташкилоти борми?

Ҳа, бундай давлат ташкилоти бор — у Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасидир. Бу давлат қўмитаси тарихан жуда қисқа — 3 йил ичида ўз ҳажми, мазмуни жиҳатидан катта миқёсдаги ишларни амалга оширди. Жумладан, республикамиз Ер ресурслари давлат қўмитаси (раис Э. Курбонов)нинг бевосита раҳбарлигида Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада суғориладиган ер майдонларининг тупроқ харитасининг янги тахрири ва сифат баҳосини бериш» тўғрисидаги қарорини 1999 йилда катта ташкилотчилик билан юқори услубий савияда амалга оширди. Бу ишни бажаришда Ўзбекистон Миллий университети тупроқшунослик ва агрокимё кафедралари ходимлари, аспирант ва талабалари иштирок этиб, республикамизнинг 7 туманидаги суғориладиган ерларни мукаммал ўрганиб чиқдилар. Ер ресурслари давлат қўмитаси ЎзМУ билан 2000-2001 йиллар давомида ҳам яна шундай хайрли ишларни давом эттирмоқда. Шу билан биргаликда Ер ресурслари давлат қўмитаси олий ўқув юртларида замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Республикамиз ер фондидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ер қийматини баҳолаш, тупроқ таркибида рўй бериши мумкин бўлган салбий жараёнларнинг олдини олиш, унинг ҳолатини мунтазам кузатиб бориш ишлари бошлаб юборилган.

Она заминимизни авайлаб-асраш, унинг бойликларидан бири бўлмиш тупроқни ардоқлаш, унумдорлигини ошириш, ундан келгуси авлод манфаатларини ҳам назарда тутган ҳолда фойдаланиш посбони ҳисобланган республика Ер ресурслари давлат қўмитасининг муқаддас вазифаси бўлиб қолишига ишончимиз комил.

■ **Тўхтасин АБДУРАҲМОНОВ,**
ЎзМУ биология-тупроқшунослик факультети декани, доцент,
Латиф ТУРСУНОВ,
Тупроқшунослик кафедрасининг мудири, профессор.

Навоий вилоятида Германиянинг 2 млн. 426,5 минг АҚШ долларлик «Бераплон ГМБХ» фирмаси технологияси асосида «Истиқлол» пиво заводи ишга тушганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган йили ноябрь ойида иш бошлаган мини заводда 38 та ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. «Бир кеча-кундузда 10 минг литр ҳажмдаги етти турда пиво ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонамизнинг маҳсулоти сифат жиҳатидан Ўзбекистонда ягона бўлиб, тез орада Бавария пиволаридан билан тенглашади», — дейишмоқда завод ишчилари.

Суратларда: (чапдан) Комила Жумаева ва Лиля Галимовалар иш устида; қуйиш цехида.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ВАТАН СУРАТЛАРИ

Ватан, балки бу сўз инсон туйғуларининг сарлавҳасидир. Нима бўлганда ҳам биз ана шу сўз олдида бирлашганмиз. Бизнинг ҳаётимиз, бугунимиз, келажагимиз керак бўлса ўтмишимиз ҳам ана шу Ватан. Она диёримиз табиатини, осуда тонглари-ю, мовий осмонларини акс эттирувчи асарларнинг, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган бадиий кўргазмаси республика Қуролли кучлари марказий музейида бўлиб ўтди.

Унда рассомлардан Виктория Трощина, Татьяна Ли, Гулзор Султонова, Феруза Башарова каби мўйқалам соҳибларининг юртимиз, она заминимиз ҳақидаги асарлари намойиш этилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу рассомлар кўпгина кўрик-танловлар ғолиби, Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда бир неча бор кўргазмаларда қатнашган. Пейзажлари эса давлат ва хусусий коллекциялардан ўрин олган.

■ **Раъно БАКИРОВА**

ОЧИҚ ГАПЛАР

ЧОРАК АСРЛИК «ЧИПҚОН»

Шукр. Шўро тузумининг нафасини-да туймаган бутун бир авлод вояга етмоқда. Бу — бахтимиз. Аммо, баъзида яқин ўтмишдаги манфур сиёсат қолдирган асоратлар танада яширин яшаётган чипқон мисол кутилмаганда ёрилиб, асабимизга тегади...

Қўзибой Наврўзов бошқа ҳамқишлоқлари каби бундан ўн йил муқаддам Ҳазорасп тумани «Ҳазорасп» жамоа хўжалигининг «Оталиқ» элатидан иморат қуриш учун ер олади. Имкони келмайди, қўли қуруқлик қилиб, вақтида иморатни тиклай олмайди. Кўни-кўшнилар эса бирин-кетин иморат тиклашади. Қарабсизки, қисқа фурсатда бутун бир маҳалла бунёд бўлади. Фақат, навбат Қўзибой иморат тиклашига келганда, балои азим бўй кўрсатади. Аввалида Қўзибой олти хонали иморати учун мустаҳкам қилиб бетондан пойдевор қуяди. Унинг устидан уч қатор пишиқ ғиштдан девор уради.

Шу йил баҳорда Қўзибой девор кўтариш учун ўз томорқасидан лой чиқармоқ бўлди. Қараса ер тагидан турли химикатлар чиқаяпти. Атрофни бадбўй ҳид тутган. Кўниқўшни норози. Кимдир бу ер шўро замонида заҳарли дорилар сақланадиган омбор бўлганини эслайди. Ўшанда кимлардир масъулиятсизлик билан ишлатилмай қолган кимёвий моддаларни кўмиб кўя қолган экан.

Туман санитария эпидемиология назорати маркази томонидан ширкат хўжалиги раҳбариятига юборилган хатда «...вилоят ДСЭНМ заҳарли химикатлар лабораториясининг аниқлашича, мазкур томорқадан олинган 2 та тупроқ намунасида ҳам юқори даражали заҳарли моддалар борлиги, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши билан заҳарли химикатлар одам нафас йўллари, ошқозон, ичак, жигарига таъсир этиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкинлиги...» айтилган ҳамда «...иморат қуриш таъқиқланади ва бошқа жойдан ер участкаси берилиши» тавсия қилинади.

Бу масаланинг ечимими? Йўқ! Негаки, мазкур жойда заҳарли ҳисобланган теодан, гектахлоран, ДДД, ДДТ каби заҳарли моддалар қолдиқлари бор. Айни ёз палласида эса сасиб, атрофдаги қўшнилар ҳаётига хавф солмоқда. Қўшнилар эса иморат эгаси бу тупроқни қайгадир чиқариб ташласа бўларди, деган фикрда.

Хўш, қаерга? Муқаддам вилоятдаги барча заҳарли химикатлар қолдиқлари махсус жойларга кўмиб ташланганди. Энди эса...

Туман санитария-эпидемиология назорати маркази бошлиғи Каримбой Сафоев фикрича: «Биз бу ердаги зарарланган тупроқни фалон жойга ташиб, «дафн» қилинг, деб хўжаликка буйруқ беролмаймиз, бунинг иқтисодий томонлари бор. Балки, уни кенг майдонларга оз миқдорда сочиш мумкин бўлар»...

Жабрдийда иморат эгасининг бу тупроқни қайларгадир йўқотиш имкони ҳам, ваколати ҳам йўқ. У пойдевор учун, ғишт учун камида уч юз минг сўм пулини сарфлаган. Бошқа ердан иморат ўрни ажратишса, зарарни ким қоплайди? Бинобарин бу ердаги заҳарли химикатлар қолдиғини йўқотиш керак-ку!

Хўш, «кечиккан чипқон»ни ким даволайди?

■ **Рўзимбой ҲАСАН,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 24 августа, 14, 28 сентября, 12, 26 октября 2001 года в 10-00 часов аукционные торги.

На торги выставляются:

Автотранспортные средства, принадлежащие:

ОАО «351-СМП» ГАЖК, по решению Ташкентского хозяйственного суда, расположенного в Хамзинском р-не, ул. Фаргона йули, 11:

— трактор Т-28х4, стартовая цена 121 572 сума;

— экскаватор ЭТУ-252, стартовая цена 300 000 сумов.

СП «Янтак-Брит», расположенному по ул. Ж. Астанова, 40:

— автокран МАЗ-5334, гос. №10 АВ 352, стартовая цена 450 000 сумов;

— автопогрузчик, стартовая цена 200 000 сумов;

— трактор Т-28, стартовая цена 60 000 сумов;

— автосамосвал САЗ-3502, гос. №10 АВ 351, стартовая цена 150 000 сумов.

«Сувсоз» ТКБ, расположенному в Юнусабадском р-не, ул. Ж. Абидова,151:

— автомобиль ГАЗ-2401, гос. № АС 559, стартовая цена 300 000 сумов;

— автомобиль ДЭУ-Эсперо, гос. №10 AL 179, стартовая цена 1 147 000 сумов.

«Юнусобод курилиш» ГПП, расположенному в Юнусабадском р-не, ул. Нурмухамедова, 95:

— автомобиль ГАЗ-2401, гос. № AJ 363, стартовая цена 339 927 сумов.

ОАО «AL-KAMRON», расположенному в А. Икрамовском р-не, м. Октябрь, Промзона:

— автомобиль КАМАЗ-5511, гос. №10 АК 830, стартовая цена 1 864 030 сумов;

— автомобиль КАМАЗ-5511, гос. №7506 ТНМ, стартовая цена 1 496 224 сума;

— автомобиль КАМАЗ-5511, гос. №10 АК 509, стартовая цена 1 496 224 сума;

— автомобиль КАМАЗ-5511, гос. №9747 ТНМ, стартовая цена 1 496 224 сума;

— автомобиль ИЖ-2715, гос. №2725 ТНБ, стартовая цена 198 982 сума.

Квартиры, принадлежащие КЭУ А. Икрамовского района:

Однокомнатная квартира, расположенная в А. Икрамовском р-не, м-в Чиланзар, 13 кв-л, д. 47, кв. 12а, стартовая цена 1 446 863,6 сума;

Однокомнатная квартира, расположенная в А. Икрамовском р-не, ул. Х. Турсункулова, д. 164, кв. 19, стартовая цена 474 406,2 сума;

Двухкомнатная квартира, расположенная в А. Икрамовском р-не, м-в Чиланзар, 24 кв-л, д. 3, стартовая цена 280 247 сумов.

Наш адрес: г. Ташкент, Мирабадский р-н, ул. Мовароуннахр, дом 16а.

Телефон для справок: 133-20-74.

ЯНГИ ДАВР ОДАМИ

УМИД ТЎЛҚИНЛАРИ

ОЧЕРК

1

Шаҳар четидаги бекатда автобус кутаяпман. Боёвут тумани маркази Котловонга (одамлар уни шундай деб аташади) боришим керак. Ундан кейин — яна йўл. Дастлабки рейслар бўлгани учунми, одам кам. Ўриндиқларнинг бирига бориб ўтирдиму, хаёлга чўмдим. Излаган кишимни топа оламанми — йўқми.

Деҳқонободга етишимиз билан эшик очилди-ю, автобусга бир киши чиқди ва менга кўзи тушиши билан бош илғаб саломлашди-да, ёнимга ўтирди. Турли жойларда ҳар-ҳар замонда учрашиб турадиган эски кўз-таниш оғайнилардан. Рости, учрашмаганимизга ҳам анча бўлувди. Ўйлай-ўйлай отини аранг эсладим. Тангрикул бўлса керак. Қўл олишиб қайтадан қуюқ саломлашганимиздан сўнг:

— Ҳа, мухбир ака, биз томонларда юрибсиз, тинчликми? — деди.

— Тинчлик, иш билан келаяпман, — дедим сокинлик билан унинг шовқинли овозига жавобан. У сал шунақароқ. Бетинг-кўзинг демай дуч келган ерда ўйлаганини айтиб юборавердиганлардан. Бунинг устига сергаплиги бор.

— Бирор мавзу чиқиб қолдими, дейман-да? — яна ўша оҳангда давом этди у.

— Тўғри топдингиз, — дейман уни хотиржам қилиш ниятида.

— Бизнинг Боёвут — шунақа жой. Кимга мавзу керак бўлса, Боёвутга чопади. Хафа бўлмайсиз, шунчаки айтдим-да, тағин кўнглингизга олиб юрманг. Биз дала одамларимиз-да, мулозаматни кўпам ўхшата олмаймиз. Агар сир бўлмаса, қанақа мавзу экан у?

Нима ишинг бор, десанг одобга тўғри келмайди. Эрталабдан ўзимнинг ҳам кайфиятимни бузгим келмади.

— Саноат мавзуси , — дедим.

— Роса «топибсиз-да!» Боёвутда саноат нима қилади? Ёки бирортаси думалоқ хат ёзгандир-да?

— Йўқ, ўзим боряпман. Ҳеч ким шикоят ёзгани йўқ.

Ўзининг гапларидан ўзи илҳомланаётган танишим яна бир марта мени боплади:

— Сиз қалам аҳли ажойибсизлар. Бир пайтлар ҳаммани «Механизатор бўл, тракторчи бўл», сингари шиорлар билан даъват қилар эдингизлар. Энди эса «Саноатчи бўл!» дея тарғибот қилсангиз керак-да?

Юрагим «шув» этиб кетди. Бу одам ҳозир бундан чамаси 20 йил илгари машҳур механизатор Абдусамат Саитмуродов ҳақида ёзилган нарсаларга шама қилмоқда. Одамлар, бошқача айтганда халқ ҳеч нарсани унутмайди. Бир кун бўлмаса бир кун дилидагини айтади — юзингга солади. Ҳозир энди бунга нима дейиш керак, индамай кетаверсанг, тағин бўлмаса. Рости энди мен ҳам пичинг аралаш:

— Нима қилайлик? — дедим овозингни ўчирасанми-йўқми дегандай.

— Кечирасиз-ку, мухбир ака, қалам аҳли қалбига мурожаат қилсин, озгина олдинни кўра билсин. Агар бундан ўша йигирма йилларча олдин қаттиқ туриб қишлоқдагиларни «Саноатчи бўл!» деганларингизда эди, мана бугун чиндан ҳам сизларга қойил қолган бўлардик. Хўш, энди биз яна қачон саноатчи бўламиз, яна қанча вақтни ҳайбаракаллачилик билан ўтказамиз?

Рости, бу гал индамадим. Чунки ҳозир у билан ана шу мавзуларда ади-бади айтишадиган пайт эмас эди. Бу орада автобусимиз 3-«Боёвут»га келган эди ва автобус тўхташи биланоқ у шоша-пиша хайрлашди-ю, узр сўрагандек тушиб кетди.

2

Туман шохбекатида одамлардан кўра турли енгил машиналар кўпроқ. Бу ерга қадам қўйишингиз биланоқ: «Келинг, келинг, қаерга борасиз?» деган хитобларни эшитасиз. Кўзим «Т. Латипов» деган ёзув тахтачаси қистириб қўйилган автобус ойнасига тушди. Кўнглим таскин топиб, ўша ёққа юрдим.

— Ҳали анча турадими? — сўрайман ҳайдовчидан.

— Чиқинг, ҳозир кетамиз.

Автобус одамлар билан қарийб тўлган эди. Меҳмонлигимни сезган ўрта яшар бир йигит:

— Йўл бўлсин? — деди. Рости, хурсанд бўлдим. Чунки бораётган жойимни кимдандир сўраб олишим керак эди.

— Гофуржон Олимжонов деган одам бор экан. Шу кишини излаб келяпман.

— Фабрика директорими? — сўради яна у . Мен «ҳа» деган ишорани қилдим. Унга жавобан бирданига автобусда кетаётган уч киши «мен кўрсатаман» деди. Сездимки, кўпчилик билади, демак обрўли одам...

Фирма қароргоҳи Турсунбой Латипов номли ширкат хўжалиги марказига кираверишдаги ҳудуднинг сал четроғи, яъни катта йўлдан ичкарироқда жойлашган экан. Бино икки қаватли, кўркамгина. Олди — дарахтзор. Бўйдор ўрикларнинг шохлари чиройли пишаётган меваларидан шу қадар безанганки, асти қўяверасиз.

Бино олдида бир қиз ҳовли супурмоқда эди.

— Гулжамол, даданг шу ердами? — сўради мен билан автобусдан бирга тушиб келаётган ҳамроҳим қиздан.

— Йўқ, — деди қиз ийманиб-гина. Кутилмаган бу жавобдан ичим «шув» этди ва шу онда тарвузим қўлтиғимдан тушган эди. Чунки йўлга чиқишдан олдин шу ҳолатнинг рўй беришидан қўрққан эдим.

Ҳалиги одам мени қолдириб йўлида давом этди. Мен эса ноилож ёрдам илинжида Гулжамолга сўз қота бошладим.

— Эрталаб бир келадилару, шу билан чиқиб кетадилар. Ишлари кўп. Қачон келишларини ҳам билиб бўлмайди. Баъзан кеч, баъзан эса бир оз эртароқ қайтадилар. Тағин ким билсин... вазиятни тушунтиришга ҳаракат қиларди у.

Тасодифни қаранг, орадан кўп ўтмай йўл машинасида фирма бошлиғининг ўзи келиб қолди. Мен бу одамни ҳозир биринчи кўришим эди ва зимдан разм соламан. Ўрта бўйли, буғдойранг, ҳаракатчан, қарашлари равшан инсон экан. У дарҳол биз билан кўришди-ю, ичкарига таклиф қилди. Афтидан шошаётганга ўхшарди.

— Бир зумга, узр. Сиз бамайлихотир ўтира туринг. Мен ҳозир... — деди-да чиқиб кетди. Шундай пайтда танҳо қолгач, беихтиёр ўтирган хонангга разм соласан киши. Кираверишни ҳам ҳисобга олганда иккита кичик хона. Ўзи ўтирадиган мана шу хонада иккита стол ва стул, яна учта юмшоқ ўриндиқ. Битта сейф, битта телефон. Деворда — журнал саҳифаларида босилиб чиқадиган тақвим ва давлатимиз бошлиғининг рангли портрети. Бор жиҳозлар — шу. Айни пайтда хона файзли эди. Рости, ишчанлик, ортиқча ҳашамларга мойиллик йўқлигини шу арзимас манзарадан ҳам билиб олиш қийин эмасди.

— Сизни куттириб қўймадимми, узр. Туманимиз тадбиркорлар палатаси раиси Ашур Умрзоқов келадиган бўлиб қолибдилар. У киши янги сайланган. Илгари палата йўқ ҳисобида эди. Зора, янгиси қанотимизга кирса, фойдаси тегса. Фирмани кенгайтирмасак бўлмайди, — изоҳлай кетди хона эгаси.

Меҳмонлар келишгунча бу ердаги иш жараёнлари билан танишиб турадиган бўлдик.

— Мана бу — гилам тўқиш цехи, — деди Гофуржон ака, қатор қилиб ўрнатилган баланд дастгоҳлар ўртасидан ўтиб бораркамиз. Тушлик пайти бўлиб қолди шекилли, цехда қизлар кам эди. Фақат энг юқоридаги дастгоҳ олдида 4-5 нафар қизлар иш билан банд. Улар дастгоҳга ўрнатилган гиламнинг бошланиш қисмини тўқишмоқда. Битган қисми рости, жуда чиройли. Одам қўли — мўъжиза, дегинг келади.

— Буюртмага қараб ишлаймиз, — изоҳ берди фирма бошлиғи. — Ҳозир қизларимиз шошилинч буюртмани бажаришмоқда. Ҳадемай эгаси сўраб келиб қолса керак.

Сўнг ортга қайтар эканмиз, Гофуржон ака кираверишдаги биринчи дастгоҳни кўрсатдилар-да:

— Ишни мана шу дастгоҳдан кўчирма олишдан бошлаганмиз. Уни эса олисдан, яъни қўшни республикадан олиб келган эдик, — деб қўйдилар. Сўнг шу цех қаршисидаги яна бир катта ва ёруғ хонага кирдик. У ерда эса бир аёл тикув машинаси олдида ўз иши билан банд эди. Маълум бўлишича, опахон Бувиниса Ҳасанова бўлиб опа фирма очилган дастлабки кунлардан мунтазам ишлаб келаётган қўли гул тикувчи ва тўқувчи, кўплаб ёшларнинг устози, фирманинг ҳақиқий жонкуярларидан экан.

— Бу тикувчилик цехимиз, — изоҳ берди яна Гофуржон ака, — қизларимиз ҳозир қурувчилар учун иш кийимларини тикишмоқда. Бир миллион икки юз минг сўмлик буюртмамиз бор.

Сўнг янги очилган зардўзлик, пардозлаш ва бошқа цехларга ўтдик. Фирма бошлиғи ишлар, одамлар, рақамлар, буюртмалар, ишлаб чиқариш жараёнлари, бу жойларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари-ю, уларнинг сифати, бозорбоплиги ва ҳоказолар ҳақида самимийлик, очиқ кўнгил ила сўзлар, муаммолар ҳақида куйиб-пишар эди. Мен эса рости, қаҳрамонимнинг ички дунёси, қалби ҳақида ўйлардим. Чунки у босиб ўтган ўн йиллик оғир ва мураккаб ҳаёт йўли шулар ҳақида ўйлашни тақозо этарди.

3

Республикамиз ўз мустақиллигини эълон қилган сентябрь ойининг дастлабки кунлари эди ўшанда. Одамлар қалбларида эрк ҳарорати. Озодлик ва ҳур фикрликдан руҳланган бир гуруҳ жамоа аёллари ўша пайтдаги хўжалик раиси ҳузурига кирдилар. Сабаби олдинги йирик ҳамда вилоятга донғи кетган «Коммунизм» колхози учга бўлиниб, унинг ўрнида учта хўжалик ташкил топди. Булар ичида энг кўп жабр кўргани, жамоа фикрича, латиповликлар эди. Чунки ҳудуд аҳолиси салкам олти мингча бўлгани ҳолда экинзорлар зўр-базўр 1,5 минг гектарни ташкил этар эди. Оқибатда жамоа аҳли олдида жиддий муаммолар пайдо бўлиш хавфи туғилаётгандек эди. Бундан биринчи галда қарангки, хотин-қизлар ташвишга туша бошладилар.

— Раис ака, ишлаш, оила тебратиш учун имкон яратиб беринглар. Қачонгача ҳаммамиз деҳқончиликка кўз тикиб кун ўтказамиз? — дейишди улар.

Аммо раиснинг гаплари қисқа бўлди:

— Бундай масалалар билан сизлар ўринбосаримга учрашинглар. Хўжалик атрофида ҳозир мингта ташвиш. Раис уларнинг қай бирига улгурсин?

Аёллар яна у-бу дея эътироз билдиришмоқчи бўлишувди — фойдасиз: раис уларнинг гапларини шартта-шартта кесиб ташлайверди.

— Нима қилдик, раис айтганини қилиб , ўринбосарга учраймизми? — деди уларнинг дадилроғи бошлиқ қабулидан чиқишгач, йўл бетидаги катта дарахт соясида умидсизликда афтодахол бўлиб турган аёлларга далда берган бўлиб.

Каттасининг гапи шу бўлса, бу пок, чин инсон, ҳаётга ўта жиддий қарайдиган, ростгўй ва фидокор одамнинг кузатишлари, ўйлари...

6

Мушкулликлар, қийинчиликларсиз тараққиёт йўқ албатта, гап уларга бас кела олиш, енгиб, ёки айланиб ўтиш, бошқача айтганда ўша тўсиқлардан устун кела олишда қолган. Бунга эса кимлар қодир — кимлар ночор. Заиф, ночорлар эса йўлдан четга чиқиб қолаверадилар. Йўл эса — курашганники.

Янги гилам тўқиш цехининг иш жараёнлари йўлга қўйилгач, орадан 2-3-йил ўтар-ўтмас бозор иқтисоди ўзининг чин қиёфасини аста намоён эта бошлади. Аввало ишлаб чиқариш сезилар-сезилмас сусая бошлаган эди. Чунки, гиламларга талаб камайган, қизлар тўқишаётган маҳсулотнинг сотилиши қийинлашган эди. Нега десангиз, бозорларда бежирим, чиройли, сифати юқори бўлган импорт гиламлари кўпаймоқда эди. Гарчи қиммат бўлса-да, одамлар чет эл гиламларини хуш кўра бошладилар. Начора, бозор дегани шу-да.

Нима қилиш керак? Агар вақтида чора кўрилмаса таназзул муқаррар. Шу ўринда беихтиёр юқорида эслаб ўтилган ва Гофуржон ака ёзув дафтарларига туша бошлаган буюк сиймоларнинг ўгитлари ёдга туша бошлайди. Қатъият, енгилмаслик, олдинни кўра билиш ҳақида...

Ҳа, Гофуржон ака енгиладиган, яксон бўладиганлардан эмасди. Имкониятлари ўта чекланган, аҳволи ночор бўлса-да, ўзида куч топа билди. Жамоа, ёр-дўстлари билан кенгашиб аста-секин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ўзлаштиришга киришилди. Оддий патгиламлар ўрнига тўйларда ҳадя этиладиган совға гиламлари, енгил машина ўриндиқлари, мебелларда ишлатиладиган, яъни диван, кресло, юмшоқ ўриндиқлар учун гиламчалар, жойнамоз кабиларни тўқиш йўлга қўйилди. Буюртма асосида маҳсулот чиқаришга астойдил киришилди. Фақат бунинг учун Навоий вилоятининг «Навоийазот», Фарғонанинг Олтиариқ ип йигирув фабрикаси, Тошкент вилояти саноат корхоналари ва бозорларидан хомашё олишга тўғри келди.

Булар билан бир қаторда яна бир муҳим ишга қўл урилди. Гилам тўқиш цехи қарама-қарши хонасида тезлик билан тикув цехни очишга жазм этилди. Токи бу ерга умид билан келишаётган қиз-жувонлар ноумид бўлишмасин, ўз иш жойларини йўқотишмасин. Янги тартибга кўра, буюртма тушганда гилам тўқилаверади, бошқа пайтларда шу қизлар тикув цехида банд бўладилар. Шу аснода қизлар ҳам тикувчиликни, ҳам гилам тўқиш маҳоратини эгаллашга рози бўлдилар. Натижа шу бўлдики, Гофуржон Олимжонов бош бўлган «Гўзал турон» (ҳозир унинг номи «Нодир» дея ўзгартирилган) ишлаб чиқариш фирмаси маҳсулоти 1999 йил якунига кўра вилоят кўрик-танловида учинчи, ўтган йил якунига кўра иккинчи ўринга сазовор, деб топилди. Жамоага вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва видеомагнитафон совға қилинди. Якуний натижаларга кўра, фирмада ўтган йили 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Натижада кўрилган соф фойда ҳам яхшигина бўлди. Ҳозир латиповлик гилам тўқувчи қизлар бир ойда 20 га яқин тўйлар, юбилейлар, турли маросимбоп гиламлар тўқиш имкониятига эга. Буюртмалар эса керагидан ҳам бисёр.

— Лекин буларнинг бариси мени қаноатлантирмайди, — дейди Гофуржон ака қалбидаги нозик сирларини баён этаётгандай бўлиб. Ҳозир жамоамизда 40 нафар қиз-жувонлар ишлайди. Ойликлари яхши. Ўн мингдан 20 минггача маош олишади. Балки бу ҳам ҳозирча дурустдир.

Лекин масаланинг бошқа томонига эътибор қилайлик. Жамоамиз ҳудудида ҳозир 2 мингга яқин ишлашга лаёқатли аёллар бор. Эркакларни қўя турайлик. Чунки ёнимизда Ширин шаҳри, ГРЭС, қурилиш ва бошқа ташкилотлар бор. Уларнинг кўпчилиги ҳар қалай ўзларига иш топиш имконига эга. Хўш, аёллар-чи? Менинг асосий ташвишим ва мақсадим — ана шу ҳамкишлоқларимнинг оғирини енгил қилиш. Ўйлаганим ҳам, қайғурганим ҳам, изланганим ва машаққат чекишларим ҳам асосан ана шу муаммо устида.

Маълум бўлишича, ишга янги ўтган туман тадбиркорлар палатаси бошлиғини бир оз ҳаяжон билан кутаётганининг бойиси ҳам шунда экан. Гофуржон аканинг таъкидлашича, ҳозир улар бир неча лойиҳа устида бош қотиришмоқда. Жумладан, ҳозирги ишлаб турган цехларни ривожлантириш билан бир қаторда ёки кондитер цехи, нон-булочка маҳсулотлари цехи, ёки эронча усулда қўлда тўқиладиган гилам маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳеч бўлмаса 70 фоизи ташқи бозорда ўтадиган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда кўп утмай яна таназзулга тушади.

Ҳа, яна безовталик, яна курашлар...

— Аввало киришма. Киришдингми энди бўшашма. Ҳеч бир нарсани пайсалга солма, хеч бир ишни имкони борича ортга сурма ва одамларни овора қилма. Шунда барака топасан, болам, — деди отаси Мирзажон бобо унга фотиха берар экан. — Бу ёғига энди маҳкам бўлди. Олло ишингни ўнгласин, юзингни ёруғ қилсин...

Шундан сўнг у ишларни бир неча йўналишларда бошлаб юборди. Қаровсиз болалар боғчаси биносини маъмурият билан келишиб 20 йилга ижарага олди. Бу орада ўша қиз-жувонлар, онахонлар билан маслаҳатда турли вазифаларга тайин этилди.

Бу орада бўлғуси цех биносини таъмирлаш, гилам тўқиш дастгоҳлари ўрнатиш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Хуллас, катта саъй-ҳаракатлар туфайли бир ярим-икки ой деганда жамоа қизларининг гилам тўқиш цехига жон кирди. Бу ерда оддий патгиламлар тўқиш ишлари бошлаб юборилган эди.

Бу янгилик бутун хўжалик аҳлини бефарқ қолдирмади. Чунки иш бошланган пайтларда кимдир ишонган, кимдир ишонмаган,. ростда, айтиш осону — қилиш қийин. Цех ташкилотчиларининг яна бир муҳим қадами, уни шу ердаги ҳунар-техника билим юрти филиали сифатида ташкил эта олганлари бўлди. Оқибатда бу ерда ишловчи ёшлар кўпайди. Уларга ҳам стипендия тайин қилинди, айни пайтда ишлаб чиқаришда ўз малакаларини ошира олиш, меҳнатнинг аччиқ ва чучук неъматларини тотиб кўриш имконига эга бўлдилар. Оқибатда дастлабки йилиёқ бу ерда 80 га яқин қиз-жувонлар ишлай бошладилар.

5

— Сизда шу пайтга қадар ўз ишларингиздан безиб, барини ёпиб ташлаш, бу оворагарчиликлардан воз кечиш истаклари бўлганми?, — дея сўрагани-мни ўзим ҳам билмай қолибман.

Гофуржон бир оз жим туриб қолди. Сўнг ишончли оҳангда оҳиста деди:

— Йўқ десам, ёлғон гапирган бўламан. Бўлган, бир эмас, бир неча маротаба.

— Нега? — қизиқиб сўрайман яна.

— Уларнинг қай бирин айтай ва айтганим билан нима фойда?

У меҳмон кутиш ташвишида бўлса керак, ҳам мен билан суҳбатлашар, ҳам ора-орада ташқарига чиқиб келарди. Афтидан яна нимадандир безовта шекилли, стол тортмасидан бир қалин дафтарча чиқарди-да:

— Сиз мана бундаги ёзувлар билан танишиб туринг, — дея яна ташқари чиқиб кетди. Мен эса хоҳлар-хоҳламас дафтарчани варақлай бошладим. Чунки менга ҳозир дафтарча эмас, суҳбатдошимнинг жонли дил сўзлари қизиқроқ эди. Тадбиркорнинг шеърлари... Чамаси йигирма беш йилларча муқаддам ҳарбий хизмат чоғларида туман газетасига йўлланган шеърлар, сўнг олий ўқув юрти талабалик йилларидаги ажойиб туйғулар. Иш жараёнидаги сўқмоқлар, ҳаётнинг баланд-пастликлари. Мана тадбиркорлик бошлангандан сўнг битилган шеър мисраларидан:

«**Хаёл!**

Дардларимни жимгина тингла

Ва дўстим бўлиб ёнгинамда қол!..»

Шунча кўчирмалар, қайдлар, шеърлар ичида «ўлдим-куйдим» каби енгил жумлаларни учартмайсиз. Бариси ҳаёт, инсон умри, унинг кимлиги, олий мақсад ҳақида қалфуржон ака ёзув дафтарларига туша бошлаган буюк сиймоларнинг ўгитлари ёдга туша бошлайди. Қатъият, енгилмаслик, олдинни кўра билиш ҳақида...

Ҳа, Гофуржон ака енгиладиган, яксон бўладиганлардан эмасди. Имкониятлари ўта чекланган, аҳволи ночор бўлса-да, ўзида куч топа билди. Жамоа, ёр-дўстлари билан кенгашиб аста-секин ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини ўзлаштиришга киришилди. Оддий патгиламлар ўрнига тўйларда ҳадя этиладиган совға гиламлари, енгил машина ўриндиқлари, мебелларда ишлатиладиган, яъни диван, кресло, юмшоқ ўриндиқлар учун гиламчалар, жойнамоз кабиларни тўқиш йўлга қўйилди. Буюртма асосида маҳсулот чиқаришга астойдил киришилди. Фақат бунинг учун Навоий вилоятининг «Навоийазот», Фарғонанинг Олтиариқ ип йигирув фабрикаси, Тошкент вилояти саноат корхоналари ва бозорларидан хомашё олишга тўғри келди.

Булар билан бир қаторда яна бир муҳим ишга қўл урилди. Гилам тўқиш цехи қарама-қарши хонасида тезлик билан тикув цехни очишга жазм этилди. Токи бу ерга умид билан келишаётган қиз-жувонлар ноумид бўлишмасин, ўз иш жойларини йўқотишмасин. Янги тартибга кўра, буюртма тушганда гилам тўқилаверади, бошқа пайтларда шу қизлар тикув цехида банд бўладилар. Шу аснода қизлар ҳам тикувчиликни, ҳам гилам тўқиш маҳоратини эгаллашга рози бўлдилар. Натижа шу бўлдики, Гофуржон Олимжонов бош бўлган «Гўзал турон» (ҳозир унинг номи «Нодир» дея ўзгартирилган) ишлаб чиқариш фирмаси маҳсулоти 1999 йил якунига кўра вилоят кўрик-танловида учинчи, ўтган йил якунига кўра иккинчи ўринга сазовор, деб топилди. Жамоага вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва видеомагнитафон совға қилинди. Якуний натижаларга кўра, фирмада ўтган йили 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Натижада кўрилган соф фойда ҳам яхшигина бўлди. Ҳозир латиповлик гилам тўқувчи қизлар бир ойда 20 га яқин тўйлар, юбилейлар, турли маросимбоп гиламлар тўқиш имкониятига эга. Буюртмалар эса керагидан ҳам бисёр.

— Лекин буларнинг бариси мени қаноатлантирмайди, — дейди Гофуржон ака қалбидаги нозик сирларини баён этаётгандай бўлиб. Ҳозир жамоамизда 40 нафар қиз-жувонлар ишлайди. Ойликлари яхши. Ўн мингдан 20 минггача маош олишади. Балки бу ҳам ҳозирча дурустдир.

Лекин масаланинг бошқа томонига эътибор қилайлик. Жамоамиз ҳудудида ҳозир 2 мингга яқин ишлашга лаёқатли аёллар бор. Эркакларни қўя турайлик. Чунки ёнимизда Ширин шаҳри, ГРЭС, қурилиш ва бошқа ташкилотлар бор. Уларнинг кўпчилиги ҳар қалай ўзларига иш топиш имконига эга. Хўш, аёллар-чи? Менинг асосий ташвишим ва мақсадим — ана шу ҳамкишлоқларимнинг оғирини енгил қилиш. Ўйлаганим ҳам, қайғурганим ҳам, изланганим ва машаққат чекишларим ҳам асосан ана шу муаммо устида.

Маълум бўлишича, ишга янги ўтган туман тадбиркорлар палатаси бошлиғини бир оз ҳаяжон билан кутаётганининг бойиси ҳам шунда экан. Гофуржон аканинг таъкидлашича, ҳозир улар бир неча лойиҳа устида бош қотиришмоқда. Жумладан, ҳозирги ишлаб турган цехларни ривожлантириш билан бир қаторда ёки кондитер цехи, нон-булочка маҳсулотлари цехи, ёки эронча усулда қўлда тўқиладиган гилам маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш лозим. Чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳеч бўлмаса 70 фоизи ташқи бозорда ўтадиган бўлмоғи лозим. Акс ҳолда кўп утмай яна таназзулга тушади.

Ҳа, яна безовталик, яна курашлар...

7

Ниҳоят кутилаётган меҳмонлар ҳам келишди. Тушлик уюштирилган экан, чой-пой ичилгандай бўлди. Сўнг палата вакиллари шароитлар билан танишдилар. Жойлар, имкониятлар қараб чиқилди. Ўзаро нималаргадир келишилгандек бўлди, одоб юзасидан уларнинг мулоқотларига халақит бермадик. Туманга эса улар билан бирга қайтдик. Шохбекатга келгач, не кўз билан кўрайки, яна эрталабки суҳбатдошимни учратиб қолсам бўладими...

— Ҳа, нима бўлди, бу ёқларда юрибсиз? — сўрайман ҳайрон бўлиб.

— Э-э-э, «Боёвут»да иш битмади. Сарсоним чиқиб юрибман. Ҳа, ўзингиз-чи, бунча эрта қайтмоқдасиз? Сафар омадли бўлдими, дейманда?

— Тўғри топдингиз.

— Навоийга бордингизми?

— Йўқ, Латиповга.

— Э-э-э! — дарҳол тушунди суҳбатдошим. — Гофуржонни қидириб келгансиз. Ишлари ёқдими, хулосалар қандай?

— Хулосалар шуки, биринчиси — тадбиркорликни вақтида бошлаган экан, иккинчиси — машаққатларга қарамай, йўлидан воз кечмабди, учинчиси — келажакка катта умидлар билан қарамоқда. Ўз қадрини билган ўғлон учун тағин нима керак?

— Тўғри айтасиз. Лекин афсуски, бутун бир Боёвутга ҳозирча биттагина Гофуржон бўлиб турибди. Шу каби азаматлар ўнта, юзта бўлмайдими? Хуллас, энди боплаб ёзар экансиз-да!

■ **Абдужалил УМАРОВ**

ВАБО ДОМИГА ТОРТМОҚДА

Ҳар йили ёз мавсумида Афғонистонда кенг тарқаладиган вабо бир неча кун ичида 100 га яқин кишини домига тортди.

Яна минглаб кишилар шу дарддан азоб чекмоқда. Касаллик айниқса, мамлакатнинг шимолий қисмида кенг тарқалган. Тинимсиз уруш, қурғоқчилик, ниҳоят турли юқумли касалликлар қариялар, аёллар ҳамда ёш болаларнинг тинка мадорини қуритган ҳамда улар орасида ўлимнинг кескин ошишига олиб келган.

ЖУРНАЛИСТ INTERNEWS ҲИМОЯСИДА

Оммавий ахборот воситалари эркинлигини ҳимоя қилувчи АҚШнинг Internews ташкилоти Киргизистон ҳукуматига тележурналист Самаган Оразалиевни озод этишни сўраб мурожаат қилди.

С. Оразалиев шу йил май ойида товламачиликда айбланиб қамоққа олинган. Прокуратура айбномасига асосан, С. Оразалиев ҳукумат раҳбарларидан бирининг жиноий хатти-ҳаракатларини фош этиш ниятида, ундан катта миқдорда пора талаб қилган.

Internews қўлга киритган маълумотларига таяниб, тележурналистга қўйилган айбни уюштирилган туҳмат деб ҳисобламоқда.

«КУРСК» ҒОВВОСЛАР ҚУРШОВИДА

Якшанба куни ғоввослар «Курск»нинг сиртқи қисмида айланаси 70 см.ли тешиклар очишни бошлашди.



Баренц денгизида кучли шамол эсишига қарамасдан операция бир зум ҳам тўхтагани йўқ. Душанбага ўтар кечаси битта тешик очишга муваффақ бўлинди. Операция давомида ҳеч қандай хавф-хатар сезилмади. Лойиҳага асосан кемани тортишда фойдаланиладиган занжирларни боғлаш учун жами 26 та тешик очиш лозим.

***

«Курск» ҳалокати туфайли қурбон бўлган денгизчиларнинг 10 нафар фарзандлари Англия саёҳатига келишди.

Улар 10 кун мобайнида дастлаб Лондон, сўнгра Шотландиянинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиб, ҳордиқ оладилар. Саёҳат Россиянинг ҳарбий-христиан уюшмаси аъзоси Людмила Биличенко ташаббуси билан уюштирилди. Барча сарф-ҳаражатларни эса Англия Қироллик жамғармаси ўз бўйнига олди. Ушбу жамғара ҳалокат қурбонлари оиласига доимий равишда инсонпарварлик ёрдами бериб келмоқда.

«МУҲАББАТ НАМОЙИШИ»

Шанба куни Берлин кўчалари бир миллиондан ошиқ ёшларни ўз бағрига олди. Бу ерда 13-марта ўтказилаётган «муҳаббат намойиши» бўлиб ўтди.



Шу куни ёшлар 20 дан ортиқ мамлакатдан ташриф буюрган эстрада хонандалари иштирокида концерт томоша қилиб, кўнгилларини шод этдилар. Намойиш ўтказилишига ҳар йилгидек экологлар қарши чиқишди. Сабаби, намойиш ёшларнинг ноодатий ярим ялангоч кўринишда, кимўзарга рақс тушишу, бўкиб, пиво ичиш билан ўтади. Натижада намойишдан сўнг кўчаларни тозалаш ҳамда минглаб пиво идишларини йиғиб олишга жуда катта сарф-ҳаражатлар талаб қилинмоқда.



«Муҳаббат намойиши» Германияда 1989 йилдан буён ўтказилиб келинмоқда.

ШИФОКОР ОГОҲЛАНТИРАДИ

ХАВФЛИ ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИ

Ўткир ичак касалликлари асосан тез-тез ич кетиши натижасида тананинг сувсизланиш ва туз сизланиши билан ифодаланади. Бундай ҳолат эса ўз навбатида оғир сабабларга, ҳаттоки ўлимга ҳам олиб бориши мумкин.

Касалликни келтириб чиқарувчи омиллар жуда кўп бўлиб, асосан шигеллар (ичбуруғ қўзғатувчиси), сальмонеллар (сальмонелёз, қорин тифи, паратиф А ҳамда В қўзғатувчиси) шартли патоген микроблар (эшерихиозлар) каби вируслардир. Бу қўзғатувчилар танамизга асосан озиқ-овқат маҳсулотлари, ифлосланган сув ва ўзаро яқинликда оғиз орқали ўтади.

Маълумки, республикамизда кунлар исиши билан ўткир ичак инфекциялари ҳам кўпайиб боради. Бунинг сабаби эса эпидемик жараённинг фаоллашуви, яъни микробларнинг ташқи муҳитда кўпайиши ва тарқалиши учун етарли омилларнинг пайдо бўлишидир.

Танамизга тушган қўзғатувчилар ичакларда жуда тез кўпаяди ва турли заҳарли моддалар (экзотоксин, эндотоксин) ишлаб чиқаради. Бу заҳарли моддалар аввалам-бор ичак деворларига таъсир этади ва шунинг натижасида ич кетиши ривожланади. Бундан ташқари, қонга сўрилган заҳарли моддалар тананинг барча аъзо ва тизимларига ҳам таъсир этади. Бу эса ўз навбатида тана ҳарорати кўтарилиши, эт увишиши, бош оғриғи, аъзои-баданнинг қақшаши, қорин оғриши ва дамланиши, кўнгил айнаши, қайд қилиш, пешоб ажралишининг камайиши каби белгиларда намоён бўлади.

Кўп миқдорда сув ва туз йўқотиши натижасида тери шиллиқ пардаларининг қуриши, тери қалинлигининг бузилиши, қоннинг қуюқлашиши ва натижада қон айланишида нохушлик кузатилади. Ўткир ичак касалликлари, айниқса, 1 ёшгача бўлган болаларда оғир кечади. Бунинг сабаби эса уларда иммун тизим ва мия пўстлоғининг ҳали яхши ривожланмагани, ўзига хос туз ва сув алмашинувидир.

Ўткир ичак инфекцияларининг олдини олиш оғир дардни бартараф этиш демакдир. Шунинг учун текширувдан ўтган гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш, сабзавот, хўл меваларни ювиб ейишнинг аҳамияти катта. Озиқ-овқат корхоналари ва шаҳобчаларида пашшалар, суваракла ва кемирувчиларга қарши кураш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш ҳам бу касалликларнинг олдини олишда муҳим саналади.

■ **Эркин МУСАБОЕВ,**
Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош инфекционисти, профессор

КАТТА ЧИМЁН ЧЎҚҚИСИДА — 3309 МЕТР БАЛАНДЛИКДА — ЁШ ЎЗБЕК АЛЬПИНИСТЛАРИ



Улар Тошкент миллий рассомлик ва дизайн институтининг уч нафар талабаси Синдбод Қобилов, Баҳриддин Тожиев ва Абдувоҳид Абдужалиловлардир. Яқинда Тянь-Шан тоғларининг ғарбий этакларида жойлашган Катта Чимён чўққисига кўтарилиб, жонажон Ватанимизнинг байроғини қадаб тушдилар. Муқаддас байроғимиз 3309 метр баландликда ҳилпираб турибди.

ҚАЙДАСИЗ, ДАРХОН ТОНГЛАРИ

Дўстим Шароф, салом алайкум!

Дархондан кўчиб кетганимизгаям, мана, уч йил бўлаёзибди. Шундан бери жуда кам кўришдик. Баҳона-ю сабаб етарли, албатта. Ҳар замонда дўстларга мактуб ёзиш одатим бор. Сизга ҳам суюкли «Ўзбекистон овози» орқали мактуб йўллаяпман.

Ҳозирги уйингизни кўрганман — яхши, яхши маҳалладасиз. Лекин ростини айтинг, Дархонни соғинасизми, йўқми?

Соғинасиз, соғинасиз!

У ерда нафақат ўн уч йил умрингиз ўтди, нафақат фарзандларингиз камолга етди, балки не-не Аломат, Қўчқорлар туғилди!

Маҳалла ҳозир Мирзакалон Исмоилий номи билан аталади. Бир амаллаб шунга эришганмиз. Бу ерда домланикидан ташқари ҳам ўзбек адабиётининг фахри бўладиган асарлар пайдо бўлди. Назмда ҳам, насрда ҳам, драматургияда ҳам.

Ўн уч йил қўшни турдик. Сиз асосан кундузи ухлаб, кечаси ёзардингиз. Баъзида кириб, «ёзишиб» турардим — тонгни бирга кутиб олардик.

Ҳар замон-ҳар замонда сал нарироқдаги қўшнимиз Бахтиёр Ихтиёров, ўзимизнинг Ўрол Ўтаев, Ҳожиакбар Шайховни безовта қилардик. Қурбимиз етганда-ку, эҳ-ҳе! Бир кечаси уч марта Ачавотга бориб келганимиз эсингиздами? Тонгда ошга чиққан эдик.

Хуллас, яхши маҳаллада яхши яшадик.

Бу маҳаллага келиш ҳеч кимга ҳам осон кўчмаган. Айниқса, Сизга. Жуда кўп сарсончиликлардан сўнг келиб ўрнашгансиз. Ўнгача...

Сиз билан 1978 йилда танишган эдик. Сиз актёр, мен «ёш» драматург сифатида.

Маҳкам Муҳамедов Сирдарё вилоят театрига бош режиссёр этиб тайинланади. У бошқа пьесалар қатори менинг «Ўттиз ёшлилар»имни ҳам олиб қолади. Пьеса жамоага жуда маъқул келиб, тезда саҳна юзини кўрди, радиога ёзиб олинди. Унда сиз билан раҳматли Рустам Ҳамдамов бош қаҳрамон ва муаллиф ролини ўйнагансизлар. Жуда тез эл бўлиб кетдик. Мен кейин Гулистонга узоқ қатнадим, лекин Сиз Тошкентни ихтёр этдингиз. Актёр сифатида эмас.

Ишингизнинг, турар жойингизнинг тайини йўқ, ҳар замонда телевизорга чиқиб қолардингиз. Ўша пайтлар вазирликнинг ҳалол ходими Қамариддин Ортиқов иккита пьеса берди менга. Ўқидим. Ғалати! Янги! Бироз русчалиги бор демаса...

Вазирликдагилар аралашганидан кейингина улар саҳна юзини кўрди. Кейинчалик машҳур бўлиб кетган «Тақдир эшиги» билан «Тиконсиз типратикон»ларнинг дастлабки тақдири шундай кечган.

Бизда шундай тажриба бор: хизмат юзасидан қўшиқ билан шуғулланган киши қўшиқчи шоир, драматургия атрофида юрганлар драматург бўлиб қолади. Сиз театрда бемалол асарингизни қўйишингиз мумкин эди. Аммо сиз бундай қилмадингиз. Театрдан кетиб, ҳақиқий муаллиф сифатида ташқаридан кириб келдингиз.

Сиз адабиётимизга осмондан тушгансиз. «Современная драматургия» альманахи «Темир хотин»ни менинг сўзбошим билан босган эди. Унда сизни қўзиқоринга ўхшатганман. Таржима қилинмай берилган. Таржима қилса, замбуруғ бўлиб қоларди. Замбуруғ ўсиб чиқади. Қўзиқорин ҳақиқатан ҳам осмондан тушади шекилли, ҳеч ким унинг ўсаётганини кўрмайди. Ёмғир ёғиб ўтганидан сўнг потирлаб турган қўзиқоринлар терилади, холос. У ерда чинор сўзи ҳам ишлатилган. Сиз қўзиқориндай осмондан «лоп» этиб тушиб, дарҳол чинордай илдиз олдингиз. Ўз ўрнингизни эгалладингиз.

Драматургия — энг аввало ҳангома, томоша. Ҳангомани яхши ўйлаб топиш керак. Сизда бу бор. Ҳангома ниҳоясида чиқадиган сабоқ ҳам салмоқли.

Адабиёт — бедарвоза. Ўтган ҳам, кетган ҳам бош суқиб кўради. Шу туфайли ёмон асарлар кўпайиб кетади. Драматургияда ҳам.

Сизнинг жозибангиз нимада? Ҳангомани айтдим, хулосани айтдим, яна нима дей? Ҳа, тилингиз. Тилингиз анчадан бери қалам тебратиб келаётганларнинг кўпчилигидан фарқли ўлароқ — саводли, ширали, тушунарли, ишонарли эди.

Ёзувчининг маҳорати — унинг ишонтира олиш қувватида. Мен Чингиз Айтматовнинг оддийгина, саводсиз қирғиз аёли ўтган асрнинг кўрқинчли йилида ер билан гаплашганига ишонаман, аммо... муаллифнинг ўзи ҳар бир китобхон, ҳар бир томошабинга шахсан тушунтириб бериши лозим бўлган асар ҳам кам эмас.

«Темир хотин» ғирт уйдирма. Аломат жонли эмаслигини ҳамма кўриб турибди. Кўриб туриб, Қўчқор билан саргузаштларини ҳозиргача томоша қилади. Сабаби — оддий. Сиз шунга ишонтира оласиз.

«Тақдир эшиги» бошидан охиригача эшикнинг ёпилиб қолишига қурилган. Лекин шу эшик орада ўзи очилиб ҳам кетади. Дарров ёпилади ҳам, албатта. Мантиқсизликми? Мантиқсизлик. Лекин бир бу ҳолга эътироз қилмаймиз, тўла ишонамиз. Сиз ишонтирасиз.

Сизнинг яна бир жозиб томонингиз ана шу мантиқсиз нарсалардан мантиқ чиқариш ҳам. Деярли ҳамма асарингиз шундай.

Кейинчалик кинода ҳам харидорингиз кўпайиб кетди. Қаттиқ ишладингиз. Ишлайдиган пайтингиз, албатта.



Меҳнатми, нимадир бирдан йиқитиб қўйибди. Анча ёмон. Булардан кейин кам киши «одам» бўлади. Аммо сиз... Нафақат жисман, руҳан ҳам бақувват Шароф «одам» бўлганда қандоқ!

... Бир куни хонада ташқарига қараб турувдим. Ҳовлига бир қора «Нексия» келиб тўхтади. Аёл, қизлар туша бошлади. Мен қайси бойвачча экан, деб қараб турибман. Энг охирида ўша «бойвачча» тушди. У сиз эдингиз. Истиқболингизга югурдим. Хонага олиб чиқиб айтган гапим эсингиздадир? «Машина муборак бўлсин, албатта, — деган эдим, — лекин мен учун муҳимроғи уни ҳайдаб юришингиз». Кўпчилик бу дарддан кейин ўзи яхши юриб кетса ҳам хурсанд. Сиз эса... Сиз эса бошқачасиз. Шароф Бошбеқовсиз.

Ўшанда Иродани ишга жойлаштирай, деб олиб борган экансиз. Мурод Муҳаммад Дўст дарҳол олди. Унгача Камола ишлаган эди. Қотириб!

Энг аввал Муножотни чақирган эдим, эсингиздами? Келмади. Келмай яхши қилган экан, бошқа жойдан яхши иш ҳам топибди, бахтини ҳам. Ҳозир набира билан Кореяда, а?

Муножотни узатдингиз, Иродани узатдингиз. Камола қолди. Уям тез орада учиб кетаман, деб турибди. Мавжудахон иккалангизга Худо қувват берсин.

Фарзандлар ташвишидан қутилганингиздан кейин фақатгина ёзиш ташвиши қолади-да. Ёзасиз, нима қиласиз!

Ўтган асрнинг йигирма йилида кўп иш қилдингиз. Адабиётга ўз ўрнингиз билан кириб келганингиздан бошлаб барча асарингиз ўринли, жўяли, керакли.

Сиз ҳали ёшсиз. Аммо бу асрга тажрибали драматург сифатида ўтдингиз. Янги асрда ҳам неча ўнлаб йиллар ана шундай суюкли бўлиб юринг.

Оилангизда ҳам.

Ҳамкасблар, дўстлар даврасида ҳам.

Томошабинлар учун ҳам!

Менинг бироз тобим йўқ. Уйингизга ўтолмайман. Шу мактубни ҳам бир неча кун мобайнида ёздим.

Дархонга қайтайлик.

Сиз-ку, тонгни бедор кутиб олар эдингиз. Лекин мен ҳам тонгда уйғонардим. Худодан умиди бор одам шундай қилади-да! Тонгнинг вижир-вижир отиши кишига куч бағишлайди. Сиз Дархонда анчагина ана шундай куч йиққансиз. Майли, Дархон тонгларини қўмсанг, яна яхши нарсалар чиқиб қолиши ҳеч гап эмас.

Омон бўлинг!

Мавжудахонга, қизларга салом!

Дўстингиз, мухлисингиз

■ **Машраб БОБОЕВ**

«Бешинчи» саҳифа

ҲОКИМ ЎЗГАРДИ, ИШ ЭСА...

Вилоят туманларининг бирига чамаси саккиз ойлар олдин янги раҳбар тайинланганди. Асли касби қурувчи-муҳандис бўлган бу киши барча соҳаларда ислоҳотларни амалга ошириши, айниқса, қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хато-камчиликларни зудлик билан тузатиши лозим эди. Ҳаётий тажрибага эга бободеҳқонлар билан бамаслаҳат иш олиб бориб жойларда ишни пухта ва аниқ ташкил қилиши заруриятга айланганди. Лекин бундай бўлмади.

Мажлисбозлик авж олдирилди. Бир йиғилишда ҳоким:

— Ишончни оқлашим керак. Ҳокимликка бехудага келганим йўқ, — деб қолди.

Туманда давлатга ғалла сотиш режаси барбод бўлди. Фермерлар ҳам бармоқ тишлаб турибди. Ҳамма нарсани сув танқислигига рўкач қилиш инсофдан эмаслигини кўпчилик баралла айтаяпти. Ишнинг кўзини билмаслик яққол сезилди. Пахта ҳам мажлисбозликни хуш кўрмайди шекилли, туманда ғўза ривожи кўнгилдагидек эмас.

Одамларда янги ҳокимга ишонч сўнаяпти. Ислоҳотлар оқсаяпти. Шунақа, туманда ҳоким ўзгарган бўлса-да, иш ҳеч ҳам ўзгармаяпти.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ**

— Инсон ёшлигидан қайси муҳитда тарбия топса, ўша муҳитнинг нафаси хусусиятига сингиб кетади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Муножот Йўлчиева

ҒАЗАЛЛАР НАФАСИ ДУНЁГА ЕТДИ

— Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларимдаги қўшиқчиликка бўлган ҳавас мени санъат оламига етаклаган. Ота-онамнинг санъатни қадрлаши ҳам бунга туртки бўлган бўлиши мумкин.

1980 йил улуғ мутафаккир Навоий бобомизнинг 539 йиллик таваллуди муносабати билан «Назм ва наво» телекўрсатувида «Муножот» ва «Ушшоқ»ни ижро этганман. Бу менинг қўшиқ оламига илк бора қўйган дадил қадамим бўлган.

— Ҳар бир ижро этган ғазалингизда шарқона руҳ, ўзбек аёлининг ички гўзалликлари сезилиб туради. Бу табиий ҳолми ёки санъаткорнинг маҳоратими?

— Мумтоз ғазалларда шунчалик ботиний маънолар борки, уларни намоён қилиш учун инсонда шунга яраша маънавий қувват бўлиши керак деб ўйлайман. Ғазалларни ижро этиш билан бир вақтда уларни чуқур таҳлил қилишга, шарқона руҳни мужассамлаштиришга интиламан.

— Қўшиқларингизнинг яратилиши жараёни ҳақида гапириб берсангиз.

— Устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шавкат Мирзаев билан ҳамкорликда қўшиқларни танлаб яратамиз. Шу ўринда бир гап. Ижрочи ашулани ўз қонун-қоидасига бўйсундирмай, аксинча, у қўшиқчиликнинг, саҳнанинг қонун-қоидаларига ўзи бўйсуниши шарт. Афсуски, бу қоидага баъзи бир катта санъаткорларимиз ҳам амал қилмаётирлар

— Ёшларимиз кейинги йилларда миллий қўшиқчилигимиз анъаналарига бирмунча эътиборсиз муносабатда бўлаётгандай...

— Мустақиллик ҳар бир соҳага истиқбол келтирди. Бизнинг соҳа — қўшиқчилик бўйича ҳам қизғин мунозаралар, кўрик-танловлар бўлиб ўтаяпти. Истеъдодлар аниқланяпти. Ёшларнинг қизиқиши, иқтидори қувонтирарли, бир-биридан гўзал. Фақат уларни тарбиялашимиз, санъатнинг сирларини мукаммал ўргатишимиз, иккиланишларига йўл қўймаслигимиз керак. Ана шунда бу йўлни танлаган ёшларнинг ҳам, ушбу соҳанинг ҳам истиқболи порлоқ бўлади.

— Кейинги ўн йилликда сиз орқали ўзбек мумтоз ғазалларининг нафаси дунёнинг турли мамлакатларига етиб борди десам, хато қилмасман, шундай эмасми?

— Бу ҳам мустақиллигимиз шарофати. Америка, Иордания, Бельгия, Голландия, Швейцария, Исландия, Италия, Норвегия, Англия, Бразилия ва бошқа кўп мамлакатларда бўлдим. Санъатимизнинг юксак қадрланишига гувоҳман. Тақдир тақозоси билан ўзга юртларда қолиб кетган юртдошларимизнинг кўзларида қотиб қолган мунг — юрт меҳрига интизорлик, бир сиқим тупроққа, биттагина ўзбекона сўзга интиқ яшаётганликларини кўрган вақтларимда чексиз изтиробларга тушаман. Ана шу вақтларда инсон учун ватан меҳри ҳар нарсадан устунлиги яққол намоён бўлади.

— Яқинда Франциядан қайтибсиз. Сир бўлмаса ташриф тафсилотлари билан ўртоқлашсангиз?

—ЮНЕСКО қошидаги ижроқўмитанинг «Инсониятнинг оғзаки моддий ва номоддий дурдоналарини эълон қилиш» ҳайъатининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлган эди. Шунда мен ҳам қатнашиб, ҳайъат аъзолигига қабул қилинганман.

Қўмитанинг асосий вазифаси бутун жаҳонда инсоният учун нодир ҳисобланган тил, адабиёт, санъат турлари (рақс, ашула, архитектура ва ҳакозо) намуналарини сақлаб қолиб, уларни рағбатлантириш ишларини амалга оширишдан иборат.

Шу йил 15—18 май кунлари Парижда ана шу қўмитанинг биринчи йиғини бўлди. Йиғинда дунёнинг 32 давлатидаги халқ орасида йўқолиб бораётган дурдона асарларни сақлаб қолиш ва уларни ноёб асарлар деб қабул қилиш масаласи кўрилди. 32 давлатдан қатнашган асарлардан 19 таси ноёб асарлар дурдонаси сирасига киритилди. Масалан, Хитойдан «Кункю» опера театри, Ҳиндистондан «Куттияттам» классик рақс номзоди, Кореядан «Қироллик саройи» мусиқаси мажмуи ва бошқалар. Ўрта Осиё республикалари бўйича эса қатнашган Ўзбекистоннинг «Бойсун» оғзаки анъанавий фольклор ансамбли ҳам жаҳондаги ноёб асарлар дурдонаси, деб тан олинди. «Бойсун» ансамблининг ноёб асарлар сирасига киритилиши ҳам юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнининг беқиёслигини яна бир бор исбот этди.

■ **Сулаймон ҲАЙДАР суҳбатлашди**

INTER-SPORT

ВЕЙРИНИНГ ҚАРОРИ ЯНА ЎЗГАРДИ

Патрик Вейри ҳақидаги шов-шувлар ҳали ҳам тинмаётган кўринади. Бундан бир муддат олдин у яна ўз клуби «Арсенал»га қайтиб келганда уни жамоадошлари яхши кутиб

олишувди. Шундай бўлишига қарамай, жума куни Испания газеталаридан бири Вейрининг «Реал Мадрид» клуби вакиллари билан учрашувини ва бунда Вейрини «Арсенал»дан 25 миллион долларга сотиб олиш учун музокаралар ўтказиши ҳақида хабар тарқатди. Хабарга кўра, бу футбол юлдузини «Манчестер Юнайтед» ҳам сотиб олишга асосий даъвогар эканлиги айтилган. Аммо футбол ассоциацияси «Арсенал» клуби раҳбариятисиз бу иш амалга ошмаслигини маълум қилди. Зеро, газетада айтилишича, тез орада Вейрининг агенти Марк Рогер ҳамда «Реал Мадрид»нинг ижрочи директори Жорж Вадано билан учрашув «Арсенал» рухсатисиз ҳам ўтказилар экан.

«ЛЕВЕРПУЛ»НИ КУЧАЙТИРИШ КЕРАК

«Леверпул» ҳужумчиси Майкл Овен ўз клуби раҳбариятига жамоани янги таркибда тузиш талаби билан чиқди. Унга кўра, «Манчестер

Юнайтед» ва «Арсенал» янги таркибда чемпионатга тайёргарлик кўраяпти ва бу нарса клублар келажагига катта ижобий таъсир кўрсатар экан. Бу йил «Леверпул» фақатгина норвегиялик Жон Арне Реснни «Монако»дан 4,5 миллион долларга сотиб олди ва бошқа футболчи легионерлар савдосида қатнашмади. Клуб иш бошқарувчиси Герард Хоуллиер Овенга жавоб бераркан, бошқа клублардан ўйинчилар сотиб олиш жамоадаги уюшқоқлик йўқолишига сабаб бўлажагини айтди.

КЕТМА-КЕТ ИККИ ХАТО

Кутилганидек халқаро миқёсда ўтказиладиган бокс учрашувларини ўзида ўтказиш учун Нью-Йоркдаги «Дон Кинг» боксчилар турнири уюшмаси халқаро боксчилар федерациясига яна қайта таклиф билан чиқди. Шу пайтга-



ча бундай учрашувларни «Дон Кинг» яхши уюштириб келаётганди, лекин ёз келиши билан бу ерда кетма-кет хатоларга йўл қўйилди ва оқибатда боксчи Бейсивен Скотланд ҳаёти билан видолашди. Бу воқеа 26 июнда Бейсивен билан ўтказилган (иккинчи боксчи номи сир тутилмоқда) жангда судьялар томонидан ўнинчи раундга рухсат берилиши унинг фожиали ўлимига сабаб бўлди.

Иккинчи хато, 7 июлда ўтказилган Камако ва Лейжа Жеймс ўртасидаги жангда ким ғолиб келганлиги ҳақида судьялар бир қарорга келолмаётгани билан боғлиқ. Бу нарса ҳам «Дон Кинг»нинг жаҳонда тутган нуфузига катта таъсир кўрсатди. Шунингдек, халқаро атлетикачилар комиссияси уюшмадан бундай халқаро бокс учрашувларини ўтказишга тайёр эмаслигини билдириб, ундан бу ҳуқуқни олиб қўйди.

■ **Юнус БЎРОНОВ тайёрлади**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти маъмурияти ва меҳнат жамоаси институт катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Шафиқа Ёрқинга онаси **МУҲТАРАМА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56, 136-55-16
Axborot — 133-12-56
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16;
Buxoroda — 222-10-92;
Gulistonda — 25-03-80;
Jizzaxda — 5-49-85;
Navoiyda — 3-39-20;
Namanganda — 6-43-43;
Nukusda — 222-70-12;
Samarqandda — 35-20-54;
Toshkentda — 136-53-16;
Urganchda — 226-51-35;
Fargonada — 26-43-62;
Qarshida — 4-61-35;
Termizda — 3-79-98.

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.*

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 2602

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA